

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“Миллий ғоя ва фалсафа”
кафедраси

“Фалсафа, миллий ғоя ва фан методологияси” фанларидан

Курс иши

Мавзу: **УМУМБАШАРИЙ ҒОЯЛАР**

Бажарди: тадқиқотчи: Артиқов Қ.

Текширди: доцент Юсупов Ш.

Гулистон - 2016

МАВЗУ: УМУМБАШАРИЙ ҒОЯЛАР

Режа:

КИРИШ

- 1. Умумбашарий ғоялар ва тамойиллар тушунчаларининг мазмуни.**
- 2. Умумбашарий тамойиллар мазмунига миллий истиқлол ғоясининг сингиб бориши.**

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

Бугунги Ўзбекистонда ҳам миллий истиқлол ғояси ана шундай улуғ, эзгу мақсадлар билан муштарак ғоялар мажмуи эканлигини ҳис этиш қийин эмас. Кимдир буни аниқ идрок этаяпти. Аммо орамизда уни ҳис этмаётган, ўзини халқидан, миллатидан ташқарида кўраётган нияти ноҳолис, мустақиллик талаблари билан мос бўлмаган айрим «кишилар», «гуруҳларга» ҳам дуч келмоқдамиз.

Ҳар бир киши ўзи яшаётган жамият ёки давлатнинг тарихий мақсадини ифода этадиган бош ғояларни билиши, аниқ тасаввур этиши керак. Шунда бу мақсадлар ифодаси бўлган ғоялар унинг онги ва қалбидан жой олади, аста-секин ишонч, эътиқодга айланади. Ишончу эътиқодсиз инсон ўз йўлини, мақсад ва манфаатларини чуқур англаб етмайди. Эътиқод муттақам бўлса, инсон ғоя, эзгу мақсад йўлидан чекинмай одимлайди. Миллий ғоя одамларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги учуи асос бўлади, кучли маънавий руҳий омилга айланиб, тараққиётга хизмат қилади.

Илк ўрта аср буюк мутафаккирларидан бири Абу Наср Форобий маънавий озодлик, инсон такомилли, адолатли жамият қуришнинг бирдан-бир шартли одамларни эзгуликка чорлаш, ғоявий жиҳатдан вояга етказиш деб билган ва бу ҳақда шундай деб ёзган: «Инсон бахт-саодат нималигини тушунган бўлса-ю, унга эришишни мақсад қилиб олмаса, ғоя ва хоҳишига айлантормаган бўлса, унга нисбатан озгина бўлса-да, шавқ ва завқ сезмаса, истак ва мулоҳазасини, куч ва қувватини бошқа нарсаларга сарфласа бу қилмишлари ёмон ва ноўринлидир...»¹.

Дарҳақиқат, миллий истиқлол ғояси Ўзбекистонда ана шундай эзгу мақсад йўлида хизмат қиладиган ёки шунга ундайдиган, сафарбар этувчи кучга эга бўлган ғоялар, мақсадларни ўзида мужассам этган руҳий, маънавий куч-қувват манбаидир. Миллий истиқлол ғояси миллий-маънавий ва умумбашарий негизга эга бўлиб, ундан озиқланади. У, аввало, миллий-маънавий ҳодиса сифатида ҳар бир халқ, миллатнинг маънавий-руҳий, тарихий, маданий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётидаги хусусиятлари билан боғлиқ бўлган маънавий воқеликдир. Ўзбекистоннинг миллий истиқлол ғояси ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятлари, мақсад ва манфаатларини ифода этади. Миллий истиқлол ғояси аждодларимизнинг миллий-маданий меросига таянган ҳолда мамлакатимизда яшайдиган турли халқлар манфаатларининг ўзаро муштараклигини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди, Ўзбекистон фуқароларини мамлакат олдига турган тарихий мақсадлар йўлида жипслаштиради.

Миллий истиқлол ғояси, биринчидан, мустақилликни қўлга киритиш йўлида халқни, миллатни сафарбар этишга қодир, мустақиллик, эркинлик ва демократия қарор топиши учун умумхалқ куч-ғайратини бирлаштирувчи, эзгу ғоялар мажмуи сифатида намоён бўлади. Шу йўлда халқнинг, миллатнинг орзу-истаклари ижтимоий-маънавий ҳаёт соҳаларидаги ўзига хос

¹ Қаранг: Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. — Т.: Абдулла Қодирий номида-ги халқ мероси нашриёти, 1993, 188-6.

хусусиятларини ифода этадиган мақсадлар мажмуи сифатида ўз мазмунига эга; иккинчидан, миллий истиқлол ғояси мустақилликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ. Бунинг учун хизмат қиладиган ғоя ва мақсадлар мажмуи сифатида фуқароларнинг ишончи ва эътиқодини ошириб жамиятни турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш, ягона халқ бўлиб бирлаша олиш, ижтимоий организм сифатида ўз-ўзини сақлаб қолиш, асраш-авайлаш ўзига хос ва мос демократик жамиятни қуришга ёрдам беради; учинчидан, мустақилликни янада ривожлантиришга йўналтирилган концептуал ғоя сифатида ҳам намоён бўлади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ўз шаъни, кадр-қиммати, ор-номусини бегоналарнинг тазйиқидан ҳимоялашни истаган ҳар қандай халқ келажак авлод олдидаги муқаддас бурчини, яъни ўзидан кейин озод ва обод Ватан қолдиришни, фарз сифатида бажармоғи шарт.

1. Умумбашарий ғоялар ва тамойиллар тушунчаларининг мазмуни.

Ўзбек халқининг маданияти жуда қадимий бўлиб, унинг тарихи бир неча минг йилларни ўз ичига олади. Бу маданият жаҳон маданиятидан четда юзага келган ва ривожланган эмас. Зеро, ҳар қандай халқ маданияти ўз мамлакати доирасида, тор миллий биқиқликда эмас, балки бошқа халқлар маданияти билан алоқада, боғлиқликда, ўзаро таъсир ва акс таъсир этиш асосида ривожланади.

Ўзбек халқи маданияти ҳам фақат миллий асосда эмас, шу билан бирга умуминсоний маданиятлар таъсирида ўсди, ривожланди. Унга хитой, эрон, араб, юнон, рус, қадимги дунё ҳамда Рим даври маданияти жаҳондаги бошқа маданиятлар ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Ўз навбатида, ўзбек халқи ҳам бошқа халқлар маданиятининг юксалишига, умумжаҳон маданияти тараққиётига фаол таъсир кўрсатди. Маданиятимиз буюк намоёндалари Мусо Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беру ний, Махмуд Замахшарий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий, Алишер Навоий ва бошқа алломалар нинг дурдона асарлари жаҳон маданиятининг ажралмас қисми эканлиги бунга мисол бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданияти ривожланиши бир текисда амалга ошган эмас. Унда бир неча бор юксак чўққиларга кўтарилган Уйғониш даври ҳам, аксинча буюк Уйғониш давридан кейин маълум объектив ва субъектив омиллар таъсирида нисбий тушкунлик давлари ҳам бўлган. Маданий тараққиётдаги нетекисликнинг, баъзан жуда катта тезлик билан беҳад илгарилаб кетишнинг, гоҳида эса сустрлашиб, секинлашиб, турғунликка учраб қолишнинг асосий сабабини ҳукмрон ижтимоий-иқтисодий муносабатлар моҳияти ва хусусияти, ички ва ташқи омиллари таъсиридан қидиришга тўғри келади. Инсоният тараққиёти ўзлуксиз ва бир текис олга боравермайди. Тарихда баъзан турғунлик эришилган ютуқлардан чекиниш, баъзи соҳаларда депсиниш ҳоллари ҳам бўлиб туради.

Ўзбек халқи жаҳон моддий ва маънавий бойликларини яратиш ва ривожлантиришга ўлкан хисса қўшган халқлардандир. У ўзининг тафаккур куввати, қобилияти ва истеъдоди билан Марказий Осиё фан ва маданиятининг, адабиёт ва санъатининг, ахлоқий ва фалсафий ғояларининг вужудга келиши ва ривожидида катта ўрин тутди. Шу билан бирга у тарихнинг ҳақиқий ижодкори сифатида жамиятнинг маданий, маънавий тараққиётига кенг имкониятлар очиб берган.

Эртақлар, ривоятлар ва дostonларни ўқир эканмиз, халқда воқеаларни олдиндан кўра билувчи ажойиб тафаккур, қобилият ва истеъдоднинг битмас туганмас эканлигини, у ҳеч қачон умидсиз, орзу-ниятсиз яшамаганлигини, ҳар доим келажак томон интилганлигини англаб оламиз. Ҳар қандай эртақ ва афсонанинг замирига халқнинг муайян мақсад ва ниятлари, жисмоний меҳнатни, енгиллаштириш ва турмуш шароитларини яхшилашга бўлган интилишлари мазмунан сингдирилган бўлади. Улар халқ оммасининг талаби ва эҳтиёжлари асосида вужудга келиш билан бир қаторда, ўз навбатида

кишиларнинг маънавий, ақлий таракқиётига туртки вазифасини ҳам ўтаган, меҳнатни севишга ўргатган, иш унумини оширишга, табиатнинг зарарли кучларига таъсир этишда кишиларга ёрдам берган.

Ўзбеклар ўзининг ақлини лол ёлдирадиган ажойиб амалий санъати, юксак бадиий дид ва маҳорат билан ишланган хунармандчилик буюмлари билан қадим замонлардан ҳозиргача дунё халқлари ўртасида шон-шуҳрат қозониб келмоқда. Хунармандчилик бизнинг халқимиз учун авлод аждодлардан сақланиб келаётган мерос, бебаҳо ғоядир.

Ўзбек халқи амалий санъати, хунармандчилиги илдизлари ўзок ўтмишга бориб туташади.

Ўзбекистоннинг ҳозирги худудидаги Шош, Чағониён, Мароканд, Урганч, Бухоро, Шахрисабз шаҳарларининг қадимги ўрнида олиб борилган қазув тадқиқотлар ота-боболаримиз яратган хунармандчиликнинг ўлмас обидаларини кашф этди. Ёзма манбалар қадимий марказий Осиё аҳолисининг қонларда ишлаганини, мис ва темирдан турли хил ҳарбий ва меҳнат куруллари ясаганликларини, тўқувчилик, бинокорлик, заргарлик ва бошқа ишлар билан шуғулланганини кўрсатади.

Юнон тарихчиси Геродот «Тарих» асарида Бактрия, Хоразм, Суғдиёна, Марғиёна, Парфия давлатларининг милоддан аввалги VI асрдаги маданияти ҳақида кенг маълумот берган.

Ўрта Осиёга ташриф буюрган XIV аср машхур араб сайёҳи Ибн Баттута Хоразм, Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари бозорларидаги хунармандчилик расталари ўзининг хилма-хиллиги, файзи билан диққатга сазоворлигини алоҳида таъкидлаган.

Халқ даҳосининг маҳсули бўлган хунармандчилик ва амалий санъатининг турлари ниҳоятда хилма-хилдир. Уларнинг ҳаммаси халқнинг кундалик турмуш талаб ва эҳтиёжлари асосида юзага келган ва ривожланган. Аждодларимиз ўтмиш даврлардан бошлаб наққошлик ўймакорликни, тўқувчилик, заргарлик, зардўзлик, гиламдўзлик, мискарлик, сартарошлик, кулолчилик, мусиқа асбобларини яшаш ва бошқа соҳаларда катта маҳорат кўрсатгандир. Фақат ёғочга эмас, шунингдек, мрамартошга, металлларга ўта нозик ва гўзал натқш солишлари, гилам ва матоларга ранг-баранг гуллар туширишларига қараб, ота-боболаримизнинг маҳоратлари ва дидларига қойил қоламиз.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Наманган, Қўқон ва Тошкентдаги халқ усталари ганч ўймакорлиги соҳасида катта шон-шуҳратга эга бўлганлар. Бу санъат намуналарини қадимий бинолар, муҳташам саройлар, аркларнинг ички ва ташқи безакларида, девор пештоқларидаги ўсимлик ва ҳайвонларнинг тасвирларида, ложувард кошинларда кўриш мумкин. Ўймакор усталар фақат ганчга уйма нақши бериш билан чекланиб қолмай, балки жимжимадор панжаралар ва гўзал нақшин гулдонлар ҳам ясай билганлар.

Заргарлик санъати Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Хива ва Бухорода айниқса машхур бўлган. XX аср бошларида биргина Бухоронинг ўзида 400 га яқин заргар бўлиб, улар асосан Тоқи заргардонда ишлашган ва савдо

килишган. Бухоролик заргарлар қадимги тақинчоқлар, исирға, узук ва билакузук тайёрлашда ранг-баранг товланувчи моддалар: олтин, ёқут, марварид, феруза, ложувард, хақикдан кўпроқ фойдаланганлар.

Ота-боболаримиз томонидан яратилиб, жаҳон узра доврўқ таратиб, бизнинг давримизгача етиб келган ўзига хос ва такрорланмас амалий санъатлардан яна бири тўқимачилик ва каштачиликдир.

Илм-фан ва маданиятнинг қадимий бешикларидан ҳисобланган Бухоронинг зардўзлик санъати бутун жаҳонга машҳур бўлган. Матоларни турли туман рангда қойилмақом қилиб безаш ва гул босишда, зардўзи, каштачиликда, матоларга тилла суви юритилган ипақдан зеб беришда унча мунча одам Бухоро зардўзларига ва усталарига тенглаша олмаган.

Ўзбекистан гиламчилик соҳасида ҳам анъаналарга бой ўлкадир. Чўғдек кип-қизил гиламлар нақшларининг гулдорлиги, ва ғоятда нафислиги билан бир-биридан қолишмайдиган самарқандча ва бухороча, хевача ва туркманча, эроний, Афғоний, уйрурча ва хитойча гиламлар халқ оммаси амалий фаолиятининг маҳсули сифатида ҳозиргача ҳам ўзининг шон-шуҳрати ва қимматини сақлаб келмоқда.

Бадиий каштачилик ўзбеклар орасида азалдан кенг тарқалган ва сеvimли касб-хунар ҳисобланган; Ўзбек оилаларида, айниқса, хотин-қизлар ўртасида бу касбни билмайдиган, севиб ардоқламайдиган киши топилмаган дейиш мумкин. Ўзбек каштачилари томонидан юксак бадиий дид билан тикилган палак, чойшаб, гулкурпа, парда, белбоғ ва бошқа ажойиб буюмлар маиший турмушимизни хали замон безаб, гўзаллаштириб келмоқда.

Муסיқа санъати энг қадимий ва шу билан бирга ўзбек халқи ўртасида кенг тарқалган, унинг турмушига чуқур сингиб келган соҳалардан биридир. Муסיқа кишиларнинг хис-туйғуларини, фикрларини ва кайфиятларини ўзига хос тарзда ифода этади.

Муסיқанинг таъсир кучи шу қадар каттаки, унинг ёрдамида беморларни даволаш мумкинлигини фан аллақачон исботлаган. Абу Али ибн Сино муסיқанинг таъсир кучига катта аҳамият бериб, айрим руҳий касалликларни куйлар воситаси билан даволаш мумкин, деган фикрни илгари сурган эди.

Айтишларича, буюк файласуф олим Абу Наср Фаробий муסיқа илмида ҳам тенгсиз бўлган. У ўзининг асарларида муסיқа назарияси, оҳанглариининг турлари, келиб чиқиш сабаблари, кишиларга маънавий руҳий таъсири ҳақида қимматли фикрлар айтган. Фаробий муסיқа илмида фақат назариётчи бўлиб қолмай, амалиётчи ҳам бўлган. Унинг ўзи таниқли машшоқ ажойиб созанда ва бастакор, янги муסיқа асбобининг ихтирочиси сифатида ҳам шуҳрат қозонган.

Муסיқанинг ажойиб сеҳрли кучи, мўъжизакор таъсири, инсон маънавий камолотидаги аҳамияти ҳақида фикр юритиб, Фаробий «Илмларининг келиб чиқиши тўғрисида» деган машҳур асарида шундай дейди: «Бу или шу маънода фойдалики, у ўз мувозанатини йўқотган одамлар хулқини тартибга келтиради, мукамалликка етмаган хулқни мукамал қилади ва мувозанатда бўлган одамлар хулқининг мувозанатини сақлаб

туради. Бу ҳам тананинг саломатлиги учун ҳам фойдалидир, чунки тана касал бўлса, рух ҳам сўлади, тана тўсиққа учраса, рух ҳам тусиққа учрайди. Шунинг учун овоз ларнинг таъсири билан рухни соғайтириш ёрдамида тана соғайтирилади, рух эса ўз кучларининг тартибга солиниши ва ўз субстанциясига мослаштирилиши орқали соғаяди».¹

Мусиқа санъати кишига юксак туйғулар, завқ-шавқ, бутун бир ғоялар оламини очиб беради. Одамларни маънавий жихатдан бой, соф ва баркамол қилади. Мусиқа туйғули инсон ўзида янги, илгари сезилмаган кучлар топади, ҳаётни ўзгача тус ва буёқларда кўради. Мусиқа инсонни ҳаётни севишга даъват этади, Ватан келажаги учун курашга ундайди.

Мусиқа сингари кўшиқ ҳам ўзбек халқи ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Халқ оғзаки ижодининг бу муҳим шаклини келтириб чиқарган, ривожлантирган, такомиллаштирган сабаблар ичида энг биринчиси ва белгиловчиси — меҳнат, инсоннинг амалий фаолиятидир. Куй ва кўшиқ инсоннинг доимий ҳамроҳи, унинг шодмон ва қайғули онларидаги йўлдошидир.

Ўзбек халқ поэзияси, халқ кўшиқлари унинг ижодкори тарихи билан, меҳнати билан узвий боғлиқдир. Поэзияда ҳам, кўшиқда ҳам халқнинг руҳияти, инсон туйғулари, пок севгиси, орзу-армонлари билан бирга ижтимоий аҳволи мужассамлашган бўлади. Шунинг учун халқнинг тарихини унинг поэзия ва кўшиқлари билан, кўшиқларини эса тарихи билан боғлаб тушунтириш мумкин. Халқ оғзаки ижодини, кўшиқларини билмай туриб, меҳнаткаш халқнинг чинакам тарихини, миллий зийнатини шаклланишини билиш мумкин эмас.

Дунёда кўшиқ айтмайдиган, кўшиқдан завқланмайдиган, рақс ва лапарларни, дилбар куйларни ёқтирмайдиган биронта ҳам халқ бўлмаса керак. Ўзбеклар ҳам шулар жумласига киради.

Ўзбек халқи азалдан шўх рақслар, мафтункор куй ва сермазмун кўшиқларни жон-дилидан севади. Шодликда ҳам, қийинчиликда ҳам унга мурожаат қилади; ундан завқ - шавқ олади, ором ва таскин топади.

Махмуд Қағарийнинг «Девону луғотит турк» асарида қайд қилиб ўтилган меҳнат кўшиқлари, ўроқчи, хирмон кўшиқлари, ов кўшиқлари, қахрамонлик жанг кўшиқлари, мавсум ва маросим кўшиқлари, ишқий кўшиқлар— буларнинг ҳаммаси минг йиллар давомида халқ кўнглидаги хасрат ва шодликнинг йўлдоши бўлиб келган.

Ота-боболаримиз тўй-томошаларда, халқ йиғинларида, маросимлар, сайллар ва байрамларда халқ шоирлари бахшиларнинг ширадор овози, дўмбира ва қўбизидан таралган сеҳрли куй-оханги, қизиқчилар, дорбозлар, кўғирчоқбозлар томошаси, хонанда ва раққосалар санъатидан, ўйин-кулгусидан беҳисоб завқ-шавқ олишган.

Мусиқа ва кўшиқнинг инсон ҳаётида бу қадар кенг ўрин олиши, такомиллашиб мазмунан бойиб ва чуқурлашиб боришининг сабаблари бор. Чунки, кўшиқ инсонни қийинчиликларни енгишга, руҳан тетик бўлишга,

¹ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993, 176 бет.

дўстларга вафо кўрсатишга, душманларга нисбатан шафқатсизликка ундайди. Киндик қони тўкилган она Ватанни севишга, ундан фахрланишга даъват, муҳаббат, фахр-ифтихорнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳам маълум даражада унга боғлиқ.

Ҳалқимизнинг қадимий ва бой тарихини, босиб ўтган узоқ тарихий тараққиёт йўлини, ўй фикрлари, орзу-интилишларини, аждодларнинг бошидан кечирган нолаю-фиғони, кўз ёши, қисқаси юрагидаги дарди, қайғу-қасратини унинг яратган кўшиғи, ижро этган рақси, куй-оханги, мусиқасига қараб бўлиш мумкин. Ана шу маънода кўшиқ ва мусиқа ҳалқнинг ўтмиш ҳаёти, тарихи. унинг характер хусусиятлари, кайфият ва орзу-умидларини билиб олишнинг муҳим соҳасидир.

Ҳалқ амалий санъати, улар яратган ва яратиб келаётган жамики миллий ўзбек буюмлари маданият ва маънавиятнинг битмас туганмас манбалари бўлиб хизмат қилмоқда. Халқ амалий санъати миллий ғояларимизнинг ноёб қисмидир.

Маданиятнинг барча турлари, урф-одат ва анъаналарнинг мажмуасидан ташкил топган миллий ғоя жаҳон ҳалқларини бир-бирига яқинлаштиришда, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Маълумки, ҳар бир миллат ва элат, катта кичиклигидан қатъий назар, ўзига хос миллий маданиятга, маънавиятга эга. Кўп асрлар давомида шаклланиб, мазкур халқнинг руҳий бойлигини, унинг урф-одатлари, анъаналарини мужассамлаштирган маънавият айни вақтда умуминсоний ғояларнинг таркибий қисмини ташкил этади ва шу тариқа у жаҳондаги барча халқларнинг маънавий бойлиги ҳам бўлиб ҳисобланади. Юксак миллий маданият, маънавият ҳамма вақт жаҳон халқларини бир-бирига яқинлаштирувчи восита бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб келмоқда. «Юксак маънавийлик, - дейди И. Каримов, - туб ва муқаррар ўзгаришларнинг, чинакам демократияни қарор топтириш ҳамда бозор иқтисодиётига маърифатли йўл билан кириб боришнинг асосидир».¹

Истиқлол туфайли маданий-маънавий ҳаётимизда туб сифат ўзгаришлари вужудга келмоқда. Эски мафкурадан халос бўлиш натижасида ўз мамлакатимиз, халқимиз тарихини чуқурроқ билиш, асрлар мобайнида яратиб келинган маънавий ғоялардан баҳраманд бўлиш, она тилимиз гўзаллигини ва улуғворлигини тушуниш имкониятига эга бўлди ва бу миллий қайта тикланиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Маънавий камолотнинг юксалиб бориши ҳаётининг ғояларни, ижтимоий тараққиётнинг мазмуни ва мақсадларини, ислоқ қилиш ва янгилашнинг барча жараёнларини баҳолашга янгича ёндошиш имконини берди.

«Мамлакатда умуммиллий ақлий ва маданий макон вужудга келтирилмоқда. У қудратли жозиба кучига эга бўлиб, юртимизда яшаётган,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.- Т.:Ўзбекистон, 1995, 266- бет.

янги уйимизни барпо этаётган барча кишиларни ирки, миллати, диний эътиқоди билан ўзига мафтун қилмоқда»².

Миллий ва минтақавий ғояларимизнинг бирлиги

Истиқлол туфайли минтақамиздаги туркий тилда сўзловчи халқлар ўртасидаги иқтисодий, маънавий-маданий алоқаларимиз ҳам мустаҳкамланмоқда. Минг йиллар давомида бир илдиздан баҳра олган халқларимиз орасида эски мафкура туфайли қўйилган сунъий тусиқ барбод бўлди. Тарихни, ўзликни англаш мавриди келди, Туркий тилли давлатлар раҳбарларининг илгари Анқара ва Истанбулда ўтган олий даражадаги учрашувлари, Ангара баённомаси ҳамда Истанбул декларацияси ана шу мақсадни амалга ошириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни, маънавий уйғунликни мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлган эди.

1995 йил 28 август куни Бишкекда туркий тилли давлатлар раҳбарларнинг навбатдаги учинчи учрашувн бўлиб ўтди. Бу учрашув Бишкек декларациясини имзолаш билан яқунланди. Мажлисида халқаро ва минтақавий масалалар бўйича фикр алмашиш, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, маданий-маънавий алоқаларни ривожлантириш ҳамда гиёҳвандликка қарши курашни кучайтириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Бишкек учрашувида Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев, Туркия Президенти Сулаймон Демирэл, Туркманистон Президенти Сафармурод Ниёзов, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов, Қирғизистон Президенти Аскар Акаев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевлар иштирок этишди.

Президентимиз И. Каримов «Туркийзабон давлатлар бошлиқларининг мунтазам учрашувларидан кўзланган асосий мақсадни биз қандай тасаввур қиламиз?» деб савол қўйди ва унга жавобан шундай деди: «Бизнинг тасаввуримиз ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама инсонпарварлик маънавий-маданий алоқаларини ривожлантиришга бутун чоралар билан кўмаклашишдан, савдо ва иқтисодий муносабатларни жадаллаштиришдан, кескин экология муаммоларини, биз Копенгагенда ўтказилган жаҳон ижтимоий анжуманида дунё миқёсида ҳам, минтақавий миқёсда ҳам кўтариб чиққан инсон омили масалаларини ҳал этиш учун куч-ғайратларни жипслаштиришдан иборатдир».¹

Биз барқарор ривожланиш тамойилларига содиқ эканимизни баён қиламиз ҳамда бунинг учун куйидагилар зарур деб ҳисоблаймиз:

- барқарор ривожланишнинг асоси сифатида сув, ер ва биологик ресурсларнинг муҳим аҳамиятини эътироф этиш; ва ўрмон хўжалигининг янада мукамал ва илмий асосланган тизимига ўтиш; сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий усуллариини ишлаб чиқиш воситаси орқали

² Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида.- Т.:Ўзбекистон, 1995, 150- бет.

¹ Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т.:Ўзбекистон, 1993,138- бет.

суғориш самарадорлигини ошириш, суғориш ва атроф-мухитни муҳофаза қилишда мукамал технологияларни қўллаш;

- ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг узоқ муддатли шакллари рағбатлантириш йўли билан барқарор ривожланиш принциплари асосида Орол бухронини хал этиш бўйича узоқ муддатли стратегия ва дастурларни кенгайтириш ҳамда амалга ошириш;

- инсонлар саломатлигини яхшилашга, турмуш даражасини кўтариш ва маданий меросини сақлаб қолишга қаратилган ташаббусларга кўмаклашиш йўли билан инсонлар турмуш даражасининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик айтилган пайтда келажак авлодлар учун муносиб ҳаёт йўллари таъминлаш;

- атроф-муҳит, асосан сув ресурслари ҳолати устидан минтақавий назорат тизимини барно этиш;

- атроф-муҳитни мониторинг қилиш бўйича ахборотлар алмашиш тизимини барно этиш;

- экологик станциялар ва улар билан боғлиқ қонунчиликни уйғунлаштириш йўли билан минтақа табиий ресурсларини комплекс бошқариш тизимини такомиллаштириш.

Бундан ташқари, биз Орол денгизи хавзасини барқарор ривожлантириш бўйича халқаро конвенция ташкил этилишини зарур деб ҳисоблаймиз. Сувдан ҳамкорликда фойдаланиш ва экология стандартларини унификация қилиш ҳамда бу борадаги қонунчилик мазкур конвенция устувор мавқени эгаллаши лозим. Шу муносабат билан биз БМТ агентликлари, энг аввало унинг тараққиёт дастурига мурожаат қилиб, шу хил конвенция лойиҳасини ишлаб чиқишда кўмак беришни сўраймиз»¹.

Орол бўйича Марказий Осиё давлатлараро Кенгаши, Оролни қутқариш халқаро жамгармаси, БМТ тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар кўмагида қилинаётган сайъ-ҳаракатларнинг янада самарали бўлишида ушбу таклифлар муҳим ўрин тутиши шак- шубҳасиздир.

Миллий, минтақавий ва умуминсоний маънавий ғояларининг уйғунлашишида, санъат, адабиёт арбобларининг ўзаро учрашувлари, турли фестиваллар ўтказиши катта аҳамият касб этади. Тошкент азалдан маданият учоғи бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб келмоқда.

¹ “Халқ сўзи” 1995, 21 сентябр.

2. Умумбашарий тамойиллар мазмунига миллий истиқлол ғоясининг сингиб бориши.

Тарихда ҳеч бир давлат, жамият мафқурасиз, ғоясиз яшамаган, яшай олмайди. Ҳар қандай мафқураининг мақсади аниқ. У биринчидан, оммани муайян ғояга ишонтириш, иккинчидан, уларни шу ғоя барқарорлигини таъминлаш учун уюштириш, учинчидан барчани Ватан равнақи, юрт тинчлиги, оила ва одамлар бахт-саодатини таъминлаш учун сафарбар этиш, тўртинчидан, уларни маънавий-руҳий рағбатлантириш, бешинчидан, фуқаролардан барчасини ғоявий тарбиялаш, олтинчидан, уларда ёппасига ғоявий иммунитетни қиёмга кўтариш ва ниҳоят муайян мақсад йўлида ҳаракат учун қўлланма, дастур бўлишдир. Шуларни бажара олмаган мафқура амалий самара бермайди.

Мафқура халқ, миллат, элатнинг шаъну шарафи, ор-номуси, ишонч-эътиқодини ифодалайдиган, ўша халқ, миллат, элатнинг ўзига хос тараққиёт йўлига, турмуш тарзига, туб манфаатларига таянган, тинимсиз такомиллашиб борадиган ғоялар мажмуасидан ташкил топади. Лекин унинг мазмун-моҳиятини бош ва асосий ғоя белгилайди.

Миллий истиқлол ғоясининг маъно-мазмунини ва унинг миллат ҳаётидаги ўрнини мукам-мал тушуниб етиш учун энг аввало, унга замин бўладиган назарий ва амалий негизни аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга молик. Шу нуқтаи назардан, миллий истиқлол ғоясининг тарихий, фалса-фий илдизлари унинг тамойиллари ҳам бир-бири билан узвий боғлиқликдадир. Уларнинг узвий боғлиқлиги негизида умуминсоний қадриятлар устуворлиги ётади. Демак, унинг асосий тамойил-ларидан бири инсонпарварлик ғояси билан боғлиқдир. Дарҳақиқат, бугунги кунда бу сўзни жуда кўп ишлатамиз. Шу ўринда нега инсонпарварлик миллий ғоянинг асосий тамойилларидан бири бўлиб қолмоқда, деган савол туғилади. Бунинг биринчи сабаби мустақиллик туфайли инсонпарвар ва демократик жамият барпо этиш имконияти пайдо бўлди. Ана шу имкониятни воқеликка айлан-тиришда иккита муҳим масалани ҳал этиш зарурати вужудга келади.

Улардан биринчиси - одамларнинг онги ва тафаккуридаги мустабид тузум асоратларидан, унинг ғайриинсоний ғояларидан, шунингдек, якка мафқурачилик тамойилидан тозалашдир. Бунга эришишнинг бир қатор йўналишлари мавжуд. Энг муҳими, янги жамиятда инсоннинг туб манфаатларига мос ижтимоий муносабатларни шакллантиришдан иборатдир. Бунда миллий ғоянинг инсонпарварлик ва демократик тамойиллари инсон ва жамият манфаатлари уйғунлигини белгилаб берувчи таянч нуқта ва жипслаштирувчи куч ҳисобланади.

Иккинчи сабаби - инсонпарварлик тамойилида умумбашарий тамойиллар билан бир қа-торда миллат тафаккури, руҳияти ва фикрлаш тарзи, қарашлар хилма-хиллиги ўзаро уйғунлашти-рилади. Бу жараён мамлакатимиз тараққиётида барқарорлик, хавфсизлик масалалари билан ҳам-жиҳатликда туташган ҳолда намоён бўлади.

Миллий ғоянинг умумбашарий тамойиллари ҳақида фикр юритганда мустақиллик йил-ларидан инсонпарварлик масаласининг устувор йўналишга

эга бўлаётганлиги тасодифий ҳол эмас. Маълумки, инсонпарварлик ҳақида жуда кўплаб Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари ўз фикрларини баён этишган. Масалан, қадимги Хитойда илк инсонпарварлик ғоясининг ижтимоий фикрлари Конфуций (э.р.авв.511-479) таълимотида, қадимги Марказий Осиёда «Авесто» китобида, буддизм динида, Христиан динининг ажр ғоясида, яъни жафокашлар ва бечораларга илоҳий салтанатда бахт ва озодлик беришни ваъда қилганлиги, ислом динида етти ақидада ўз ифодасини топган. Шунингдек, халқаро ҳуқуқдаги «Инсонпарварлик ҳуқуқи» атамаси ҳам мавжудки, ушбу атама биринчи марта қуролли можаро юзага келган ҳолатда маданий кадриятларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияда ишлатилган эди.

Миллат тақдирига дахлдор бўлган ғоялар энг аввало, миллий замин билан боғлиқ бўлади. Унга таянмаган, ундан баҳра олмайдиган ёки ундан узилиб қоладиган ғоялар миллат манфаат-ларига ҳам хизмат қила олмайди. Бу жараёнда икки муҳим қонуният амал қилади:

Биринчи қонуният миллатнинг ўзига хос хусусиятлар ва менталитетга эга эканлиги. Улар миллат тараққиёти ва истиқболи учун асосий манба ҳисобланади. Ўз негизлари асосида ривожла-ниш йўлидан бормайдиган миллат истиқболда, ўзлигини йўқотади. Уни ҳисобга олиш, амал қили-шини миллатнинг ўз негизларига таяниб ривожланиш қонунияти - деб айтиш мумкин бўлади.

Иккинчи қонуният ҳар қандай жараёнда бўлгани каби миллий ривожланишда ҳам ворис-лик қонуни амал қилади. Унинг мазмуни шундаки, барча жараёнлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки улар шу йўналишда мавжуд бўлган олдинчилари билан боғлиқ бўлади. Унинг негизида юзага келади, ундан кейинги тараққиёт учун хизмат қилиши мумкин бўлган элементларни қабул қилиш асосида, янгиси шакллана бошлайди. Бу жараён ворислик қонуни ҳисобланади.

У миллатнинг ўз негизига асосланиб ривожланиши шарт бўлгани учунгина эмас, балки барча жараёнлар учун ҳам амал қилади. Бу ворисийлик қонуниятнинг характерли хусусиятидир. Унинг миллий тараққиёт учун аҳамияти шундаки, у миллатнинг ўз негизлари асосида ривожла-ниши учун имкониятлар салмоғининг мустаҳкам бўлишига хизмат қилади.

Миллий ғоя шаклланишида ана шу икки қонуниятнинг уйғунлиги асосий ҳисобланади.

Албатта, миллий ғоя негизлари фақат миллатнинг тор доирадаги заминлари билан чеклан-майди. Шунинг билан бир қаторда, умумбашарият эришган илгор ютуқларга ҳам таянади.

Шунинг учун ҳам Президент Ислон Каримов мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин ижтимоий ривожланишнинг кўйидаги тўртта асосий негизини белгилаб берган эди. Булар:

- умуминсоний кадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик кабилардир.

Кўриниб турибдики, уларда миллий ғоя тамойиллари умуминсоний кадриятлар билан ўзаро уйғунлашиб кетган.

Ана шу негизлар асосида миллий ғоямизнинг асосий тамойиллари шаклланади. Хўш, бу принцип нима? Тамойил бирор бир таълимот, дунёқараш ёки фаолиятнинг катъий амал қилади-ган қоидаси ва меъёрини англашувчи тушунча ҳисобланади.

Шу маънода ҳам миллий ғоянинг ўзига хос тамойиллари мавжуд бўлиб, улар асосида миллий ривожланишнинг долзарб вазифалари амалга оширилмоқда.

Миллий ғоянинг асосий тамойилларини қуйидагилар ташкил қилади:

-миллий онг, миллий тафаккурнинг ва миллий ўзликни шакллантиришга йўналтирилганлиги;

-миллатни бирлаштиришга қаратилганлиги;

-миллат манфаатини ифодалаши;

-илғор миллий урф-одатлар, анъаналар ва кадриятларнинг мустақамланиши ва ривожла-нишига асос бўлиши;

-миллий ғурур, ифтихор ва масъулиятнинг шаклланиши ва мустақамланишига замин бўлиши;

-кўп миллатли мамлакатимиз аҳолисида ягона Ватан руҳиятининг шаклланишига асос бўлиши;

-миллий мерос, тарихий хотирани асраш, ўзлаштириш ва кейинги авлодга етказишнинг маънавий-руҳий манбаси бўлиши;

-ёшларимизда Ватанпарварлик, миллатпарварлик, халқпарварлик ва умуминсонийлик маънавий, руҳий салоҳиятини шакллантиришга қаратилганлиги;

-миллатимизнинг мустақил субъект сифатида мақомини акс эттириш;

-миллатимизнинг озодлиги, мустақиллиги ва тараққиётига маънавий-руҳий таянч бўлиш;

-миллатимизнинг ўзи билан ёнма-ён яшаётган миллат ва элат вакиллари ўз атрофига уюштириш, улар билан тинч-тотув яшаш, уларга ҳурмат, эҳтиром билан қараш, ёрдам кўрсатиш, ҳамкорликни мустақамлаш ва улар асосида ягона Ўзбекистон халқи туйғуларининг шаклланишига манба бўлиши;

-миллатимизнинг замонавий цивилизацияларига муносиб ҳисса қўшишига маънавий-руҳий куч-қудрат ва илҳом бағишлаши;

-Ўзбекистон халқида миллий хавфсизлик ва миллий тараққиёт руҳиятини шакллантириш ва мустақамлашнинг назарий асоси бўлиш;

-комил инсон ғоясини ўзида акс эттириш кабиларни ташкил қилади.

Миллий ғоя миллий онг ва тафаккур маҳсули ҳисобланади. Уларнинг ривожланиши натижасида миллий ўзликни англаш юзага келади. Миллий тафаккур миллат ҳаёт тарзи, хусуси-ятлари ва фаолияти, унинг мақсадлари ва манфаатлари негизларининг миллий онгда намоён бўлишидир.

Миллий онг миллатнинг ўзига хослиги асосида ривожланиб боришидаги кўрсаткичи бўл-са, миллий ўз-ўзини англаш манфаатларни химоя қилишда ҳаракатга келтирувчи ички маънавий-руҳий салоҳиятидир.

Аслида, миллий онг, миллий тафаккур ва миллий ўзликни англашдан иборат бўлган учликка амал қилмаган, уни ўзида акс эттирмаган ёхуд уни ривожлантиришга ва мустаҳкамланишга йўналмаган ғоя ўзига миллий ғоя мақомини ҳам олаолмайди. Чунки, ана шу учлик-нинг миллат мавжудлигининг ҳам реал ифодаси ҳисобланади. Миллий ғоя миллий онг ва миллий тафаккурнинг олий кўриниши, унинг реалликка айланишининг белгиси ҳисобланади. Уларнинг ўзаро таъсири натижасидагина миллий ўзликни англаш омили шаклланади ва миллатнинг «мен»и юзага келади. Миллат ўз-ўзидан шаклланмайди, балки у жамият тарихий тараққиётининг меваси-дир. Унинг тўлақонли миллат мақомига етиши учун ҳар бир этник бирлик, миллий тилнинг, мада-ният, урф-одат-анъана, қадриятлардаги ўзига хослигини яъни, миллий ўзлигини англаши лозим.

Ана шу ўзига хослик орқали миллий ғоя намоён бўлади. Миллий ғоя ўзига хосликни мус-таҳкамлайди, ва унинг миллат вакиллари дунёқарашига айланишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бу жараён, ўз навбатида, миллий тотувлик, ҳамжиҳатликнинг вужудга келишига олиб келади. Шу маънода унинг энг муҳим тамойили миллатни бирлаштиришга қаратилганлиги ҳисобланади.

Миллий манфаатлар миллий ғояда мустаҳкам ифодаланган бўлсагина миллий ҳамжиҳат-лик мустаҳкам бўлади. Шу маънода ҳам миллий ғоянинг қудрати миллий манфаатларни тўлақонли ифодалаш билан белгиланади.

Миллий ғоянинг яна бир тамойили, унинг миллий урф-одат, анъана ва қадриятларни мустаҳкамлаш ва ривожланишига асос бўлиши ҳисобланади. Улар миллатнинг ўзига хослигини энг юксак даражада ифода этади. Унинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши миллий ғояга боғлиқ бўлади.

Миллий ғурур, ифтихор ва масъулият каби туйғуларнинг шаклланиши ҳам миллий ғоя билан боғлиқдир.

Миллий ғурур ҳар бир инсоннинг миллат вакили сифатида ўз-ўзини англаши натижасида содир бўладиган ички руҳий ҳолат ҳисобланади. Бу туйғу ўз она замини, авлод-аждодлари томо-нидан қолдирилган моддий, маънавий меросдан, ўз миллатининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан, ўз Ватанининг тараққиётда эришган ютуқларидан, миллатининг ўзга миллатлар олдидаги кадр-қиммати, обрў-эътиборидан руҳининг кўтарилиш ҳиссиётидир. Миллий ифтихор ҳар бир миллат вакилининг ўз миллатининг, тараққиётнинг барча йўналишларида эришган ютуқларидан фахрланиш, шодланиш кайфияти ҳисобланади. Миллий масъулият зса ҳар бир миллат вакилининг ўз миллати бугунги, эртанги куни ва истиқболи учун ўзини даҳлдор эканли-гини ҳис қила билишдир.

Бу туйғулар негизида миллий ғоя туради. Унинг асосий вазифаси ҳам ана шу туйғуларни шакллантиришга йўналганлиги билан белгиланади. Чунки, улар ҳар бир миллатнинг тараққиётга эришиш ва юксалишида асосий омил бўлади.

Инсоният ақл заковати юксалиб бораётган, унинг олдида ечиш мураккаб бўлган глобал муаммолар кўлами кенгайиб бораётган бугунги кунда миллий ғоя тор манфаатлар эмас, балки мамлакатда яшаётган барча

халқларнинг манфаатларини ифода этиб ягона Ватан туйғусини шакллантиришга хизмат қилади. Албатта, умумий Ватан туйғусини шакллантириш бу ҳар бир миллатга хос бўлган хусусиятларнинг барбод бўлишига эмас, балки умумхалқ руҳиятининг шаклланишига олиб келади. Ягона Ватан руҳияти нафақат мамлакат номи билан аталувчи миллат вакилида, худди шунингдек, унда яшаётган ўзга миллат ва элат вакилларида ҳам ватанпарварлик, унга эгалик қилиш, унинг истиқболи олдида масъуллик каби ҳиссиётнинг шаклланишига олиб келади. Шунинг учун ҳам миллий ғоя бугунги кунда бир миллат доирасидан умумхалқ доирасигача бўлган манфаатларни уйғунлаштиришга асос бўлмоқда.

Миллий мерос, тарихий хотирани асраш, ўзлаштириш ва уларни кейинги авлодга етказишда миллий ғоя маънавий-руҳий манба ҳисобланади. У ана шу маънавий-руҳий салоҳият-даги миллийликни «асраш», уларга куч-қувват бағишлаб туриш вазифасини амалга оширади. Шунинг билан бир қаторда, миллат вакиллари миллий-маънавий бойликлар билан озиқлантиради, уларда ўз меросини асраш ва уни кейинги авлодга етказиш руҳиятини ҳам шакллантиради.

Бу жараёнда миллий ғоя бир томондан миллий-маънавий бойликларни асраш омили бўл-са, иккинчи томондан, миллат авлодларини ўзаро боғлаб туриш вазифасини ҳам бажаради. Ундаги мавжуд миллийлик омили авлодларни ўзаро маънавий-руҳий жиҳатдан боғлаб туради ва шу тариқа миллий мерос ва тарихий хотирага умрбоқийликнинг бахш этилишида миллий ғоя асосий омилдир.

Миллий ғоянинг миллий мерос ва тарихий хотиранинг асоси бўлиши нафақат миллий ўзи-га хосликни, шунингдек, миллат вакилида юксак ирода, эътиқод каби фазилатларни шаклланиши-да манба ролини бажаради. Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек «Тарихий хотираси бор инсон - иродали инсон... Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди».

Мамлакат ёшларида ватанпарварлик, миллатпарварлик, халқпарварлик ва умуминсоний-лик каби туйғуларни шакллантириш ҳам миллий ғоянинг муҳим тамойили ҳисобланади. Чунки, бошқа ҳар қандай ғояларга қараганда ҳам унда ўзини англаган ҳар қандай инсон қалби, юраги ва онгига таъсир этувчи нозик туйғулар мужассамлашган. Хусусан, инсон ўзини-ўзи англаб, мен кимман, менинг авлод-аждодларим ким, қайси миллатга мансубман, менинг она заминим қаерда, - деган саволларни ўзига бериш ва унга жавоб топишни миллий ғоядан, унинг улкан негизларидан излайди. У саволларга бошқа биронта ғоя жавоб бера олмайди.

Миллий ғоянинг яна бир тамойили, бирининг иккинчисига ўхшамайдиган хусусиятларга эга эканлиги, ўзгаларнинг маънавий-руҳий ҳолатини айнан қабул қилаолмаслиги билан боғлиқдир. Бир миллатнинг маънавий-руҳий салоҳияти шакл ва мазмун жиҳатдан иккинчисида тақрорланмас-лиги уларнинг ҳар бирига ўзига хос индивидуаллик бахш

этади. Ана шу индивидуаллик миллий ғояда ўз ифодасини топади. Бу ҳар бир миллатнинг мустақил субъект сифатидаги мақомини таъминлаб туради. Ўзига хос индивидуаллик миллий-маънавий тараққиёт гўзаллигини ифодалайди ва уларнинг илғор қирралари орқали умумбашарийликка дахлдор бўлган маънавий бойлик вужудга келади.

Миллий ғоянинг асосий тамойилларидан яна бири миллатнинг озодлиги, унинг мустақиллигини таъминлашда маънавий-руҳий манба бўлишидир. Миллатнинг мустақил бўлиши, унинг ўз тақдирини ўзи ҳал этиш имкониятига эга бўлишида миллий ғоя асосий манба бўлади. Чунки, у нафақат миллатга мустақил субъект мақомини бахш этади, шунинг билан бирга, унинг мустақил тараққий қилишини зарурият ва эҳтиёжга айланишини ҳам таъминлайди.

Чинакам миллий тараққиёт ғоялари, ҳар доим ўзида адолат, тенглик, тинчлик ва демо-кратия тамойилларини акс эттиради. Улар ҳар бир миллат учун энг зарур эҳтиёж ҳисобланади. Чунки, адолат бузилган жойда зиддият, тенгсизлик мавжуд бўлган шароитда ишончсизлик, тинчлик бўлмаган жойда парокандалик, демократия бўлмаган жойда инсоннинг эркин нафас олиши имкониятини юзага чиқариш мумкин бўлмайди.

Кўриниб турибдики, уларнинг ҳар бири миллатнинг истиқболи учун зарур бўлган омиллардир. Миллий ғоя шу маънода ҳам уларни ўзида мужассамлаштириши ҳамда миллий тараққиётнинг асосий кўрсаткичларига айланишига хизмат қилиши зарур.

Улар ҳар қандай илғор миллий ғоянинг умумбашарийликка дахлдор бўлган қирралари ҳисобланади. Улардан маҳрум бўлган миллий ғоя, чинакам умуммиллий ғоя даражасига кўтарила олмайди.

Миллий ғоя миллатнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини умуминсоний тамойилларни ўзи-да уйғун ҳолда акс эттириши билан характерланади. У умуминсоний тамойилларга зид эмас, балки унинг негизида шаклланади. Яъни, миллий ғоянинг тамойиллари умуминсоний тамойиллар негизида шаклланмайди, аксинча миллий тамойилларнинг илғор, барча халқлар манфаатлари ва эҳтиёжларига жавоб берадиган жиҳатлари ҳисобига умуминсоний тамойиллар шаклланади.

Ана шу хулосага мувофиқ миллий ғоянинг умуминсоний тамойилларини қуйидагилар ташкил қилади:

–миллий маҳдудлик, агрессив миллатчилик ва шовинизмдан ҳоли бўлиш;

–уруш оловини ёқиш, ўзга миллатларга зулм ўтказишдан ҳоли бўлиш, мамлакатлараро беқарорликни вужудга келтириш воситасига айланмаслик;

–адолат, тенглик, тинчлик, бунёдкорлик ва демократия ғояларини ўзида ифода эттириш;

–жаҳон халқлари яратган цивилизация ютуқларини асраш ва кейинги авлодга етказишда маънавий-руҳий омил бўлиш;

–инсониятга хавф солаётган глобал муаммоларнинг таҳдидини кенг ташвиқот қилиш ва унга қарши курашда жаҳон халқлари бирлигини вужудга келтиришга хизмат қилиш;

- диний бағрикенглик ғояларини ўзида ифодалаш;
- инсон ҳақ-ҳуқуқлари, шахс эркинлиги ва ҳур фикрлиликни ҳимоя қилиш;
- қонун устуворлигини, миллатлараро ҳамжиҳатлиликни ва сиёсий барқарорликни вужуд-га келтириш ва мустаҳкамлашга асос бўлиш;
- ҳар бир миллатнинг урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини ҳурмат қилиш, илғор тажрибаларини ўрганиш ва ўз миллати эришган ютуқларини уларга етказиш;
- вайронкор ва турли ғаразли ғояларга қарши кураш ва бунёдкор ғоялар ривожланишининг омили бўлиш кабилардир. Улар ўз мазмун ва моҳияти жиҳатдан ҳар бир миллий ғоя учун хос бўлган умуминсоний тамойиллардир.

ХУЛОСА

Миллий истиқлол ғоясини фан сифатида ўрганиш, унинг бошқа ижтимоий гуманитар фан-лардан фарқли, ўзига хос жиҳатлари борлигини кўрсатади. У фан амал қиладиган қонуниятларга таянади. Айни пайтда инсон руҳияти, мақсад ва интилишлари ишонч ҳамда эътиқоднинг шаклланишига таъсир этувчи омилларга ҳам боғлиқ. Унинг намоён бўлиши нафақат ҳар бир шахс, айни пайтда бошқа инсонлар, муайян гуруҳлар ва қатламлар, элат, миллат, халқнинг муштарак мақсадлари юзага чиқишининг муҳим омилдир.

Миллий ғояни англаш умуммақсад йўлида бирлашиш, уюшиш, ўзини сафарбар этиш, ҳамжиҳат ва ҳамкорлик, тотувлик ҳамда бағрикенглик фазилатлари сифатида намоён бўлишини билдиради. Шундай омилнинг мавжудлиги мамлакатнинг, халқнинг, миллатнинг маънавий, руҳий куч-қудрати мустаҳкам эканлигини кўрсатади. Унинг негизида ўзликни англаш, миллат ва халқни, жамиятнинг олдида турган муштарак мақсадларни англаш ётади. Муштарак тақдир, Ватан, тарих, миллий-маданий мерос, тил, маданий қадриятлар бир томондан, иккинчидан, мамлакатнинг, халқ-нинг, миллатнинг дунё, башарият эришаётган ютуқларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжни ҳис этиш туйғуси ана шу жараёнда миллий истиқлол ғоясини тараққиётнинг муҳим калити сифатида намоён этади. Унинг асосий ғоялари ва фуқаролик масъулияти ҳамда мамлакатнинг, миллатнинг келажаги, унинг ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини амалга ошириш, ўзлигини сақлаб қолиш учун Ватан олдида, миллат ва келгуси авлодлар олдидаги масъуллик руҳини сингдиради.

Миллий истиқлол ғоясини ўрганишни фуқаролик масъулияти ва бурчи ҳам, унга ишонч ва эътиқодни мустаҳкам бўлишини ҳис этишни тақозо этади. Шундагина у халқни, миллатни бир-лаштиришга, мустақилликни мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга хизмат қила оладиган муҳим вазифани бажаради. Инсон фаолиятида бунёдкорлик ёки тажовузкорлик кучини намоён бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай фикр, ғоя, мафкура ҳам халқлар тақдирига бир хил таъсир этмаган. Улар орасида бунёдкор ғоялар билан бирга, бузғунчи ва тажовузкорлари ҳам бўлганлиги мафкура тарихидан маълум. Бу ҳам турли ижтимоий кучларнинг «ички маънавий дунёси» мақсад ва муддаолари билан боғлиқ бўлган ўзига хос қонуниятдир. Уларни ҳам ўрганиш, билиш зарур. Бу инсонда эзгу ғоялардан ёвуз ғояларни фарқлай олиш қобилиятини шакллан-тиради ва ғояни ғоядан, мафкурани мафкурадан фарқини англашга ёрдам беради.

Бугунги глобаллашув жараёни ўтмишда ҳам, ҳозир ва келажакда ҳам миллий ғояга бўлган заруратни ошириб боради. Шунинг учун ҳам бу дунё қанчалик маърифий тараққиёт қонунларига амал қилмасин, инсон қалби, онги ва ишонч-эътиқодини ўзгартиришга бўлган ҳаракат, уриниш до-имо сақланиб қолади. Бундай уриниш йўқолган даврни, инсон онги ва қалбини ўз ҳолича эркин ва турли хил мафкуравий тазйиқлардан холи ҳолда ривожланиш деб тасаввур этишни фақат орзу қи-лиш мумкин. Турли мақсадлар, манфаатлар бор экан у турли даврларда, турли хил намоён бўлиши табиий.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. “Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат қилсин”. Тошкент., Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. “Миллий истиқлол мафкураси халқ этиқоди ва буюк келажакка ишончдир”. Тошкент., Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» Т-9. Т.: «Янги авлоди», 2001..
4. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т-6. Т.: Ўзбекистон, 1997.
5. Каримов И.А. Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтара олмайди. «Халқ сўзи» газетаси 17 май 2005 йил.
6. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. Т. «Ўзбекистон». 2005.
7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т-8. -Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. “Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллар” Олий таълим муассасалари учун ўқув қўлланма. Тошкент, “Янги аср авлоди” нашриёти. 2001.
9. Абдурахимова Н., Эргашев Ф.Р. Туркистонда чор мустамлака тизими. Т.: «Академия», 2002.
10. Абу Наср Фаробий. «Фозил одамлар шаҳри». – Т «Адабиёт», 1993.
11. Азизхўжаев А.А. Чин ўзбек иши. – Т.: «Академия», 2003.
12. Алимова Д. Инсоният тарихи - ғоя ва мафкуралар тарихидир. Т.: «Янги аср авлоди», 2001.
13. Амир Темур жаҳон тарихида. ЮНЕСКО. Париж, 1996.
14. Б.Бойқобилов. «Ўзбекнома». Т.: «Шарқ», 1999.
15. Бобоев Ғ. Ғофуров З. Миллий истиқлол мафкураси ва тараққиёт. Т.: «Янги аср авлоди», 2001.
16. Бобоев Х. (хаммуаллифликда) Миллий истиқлол мафкураси ва ижтимоий тараққиёт. Тошкент., 2001.
17. Имом Бухорий. «Ҳадис». 4 жилдлик. Т.: Қомуслар бош таҳририяти. 1993.
18. Каримов Иброҳим. “Ғоями ёки мафкура”, Хуррият газетаси. 2003.
19. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: «Янги аср авлоди», 2001.
20. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2003.
21. Муртазо Қаршибой. Бунёдкор халқ ғояси. Тошкент., 2001.